

ЎЙИНЛАРНИНГ БОЛАЛАР КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Наргиза Исоқова

НамДУ Ижтимоий фанлар факультети

Тарих кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация: Бу мақолада болалар ўйинларнинг турлари, уларнинг ижодкорлик қобилиятини оширишдаги аҳамияти ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: *Ўйин, дидактик ўйин, тарбиявий ўйин, ривожлантирувчи ўйин, жисмоний тарбия, соғлом авлод, театр, миллий ўйинлар, ёш авлод.*

Халқимизнинг аجدодларидан мерос маънавий бойликлари, қадриятлари орасида болалар ўйинлари ўзига хослиги, бугунги замонга мослиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Ҳар қандай миллий ўйин замонлар чархпалагида чархланиб, маълум бир тарихий-бадий ва трансформацион жараёнларни босиб ўтади. Ҳар қандай ўйин маълум бир муҳитда, ўша шароитда ўзгаради, ёки ривожланади, лекин, унинг асл мазмуни сақланиб қолаверади. Турли этносларнинг бир хил мазмундаги ўйинлари турлича номланади. Масалан; русларнинг от устида бажарадиган ўйинлари «Козлодрание», козоқларда «Кокпар», қирғизларда «Улоқ тарўш», ўзбекларда «Улоқ», тожикларда эса «Бўзкаши» деб аталади.

Ўзбекларнинг юрти хилма-хил халқ ўйинларига бой ўлка ҳисобланади (арғимчоқ, бекинмачоқ, «оқ теракми, кўк терак?..», тортишмачоқ, чиллак, подачи, «бўри келди», «хўроз ва товук», «оқсоқ бўри ва қўйлар», оломон пойга, бўрон, қирқ тош, чўнқа шувоқ, отиб қочар, соққа, бир таёк, елкада кураш, минди ва ҳ. к.). Бу ўйинлар одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бирга спорт турлари пайдо бўлишига замин яратган (мас.: подачи ўйинидан чавгон, кейин хоккей, қабақ ўйинидан мерганлик, кейин камондан отиш каби спорт турлари пайдо бўлган ва ҳ. к.). Лекин, XX асрнинг 2- ярмида замонавий спорт турларини ривожлантириш баҳонасида ўзбек халқ ўйинларига нописандлик билан қаралди, катта тўйларда ўтказиб келинган кураш, улоқ-кўпкари мусобақалари тақиқлаб қўйилганди.

Кишиларнинг эҳтиёжи туфайли юзага келган ўйинларнинг тарихий илдизлари жуда қадимга бориб тақалади. Уларнинг юзага келиши «онгли одам» яшаган даврдан бошланганлиги шубҳасиз. Овдан ўлжа билан қайтиш ва ўзининг меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш ибтидоий одамларда хурсандчилик ҳамда шодиёна кайфиятини яратган. Бундай ҳолатда овчилар ов жараёнини имо-ишора, махсус ҳаракатлар ҳамда ўйин, машқ шаклида ифодалашга уринганлар. Натижада эса «Овчилар ўйини» пайдо бўлган. Шу сабабдан Г. В. Плеханов «Ўйин – меҳнат фарзанди», деган хулосага келган .

«Меҳнат ўйинлари» – яхши кайфият, яъни кенг маънода айтилганда, байрам ҳолатини вужудга келтиради. Маълумки, деҳқонларнинг ҳаётида энг қувончли воқеа – бу ҳосилни йиғиш ва янги ноз-неъматларни татиб кўриш жараёнидир. Одамнинг «биринчи касби», яъни овчилик асосида «овчилик ўйинлари» вужудга келган бўлса,

унинг деҳқончиликка ўтиши муносабати билан меҳнат ўйинлари шаклланиб, янги меҳнат байрамлари учун замин яратган. Шундай қилиб, м е х н а т – байрамларнинг бош манбаи, «яшаш учун кураш» – меҳнатнинг натижаси шаклида вужудга кела бошлаган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасаларидаги ўйинларни учта асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин. Улар:

1. Дидактик ўйин мақсади – болалар фикр дунёсини кенгайтириш, билиш фаолиятини янада кенгайтириш, билимларини амалиётда қўллашга кўникма ҳосил қилиш.

2. Тарбиявий ўйиннинг мақсади – болаларда мустақиллик ва иродани тарбиялаш, ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириш, уларни ҳамкорликда ўйнашга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи ўйинлар мақсади – диққат, хотира, нутқ, тафаккурни ривожлантириш, таққослашга ўргатиш, ўқув жараёнларига бўлган қизиқишни такомиллаштириш¹².

Дидактик ўйинларнинг хусусияти шундаки, у болаларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини оширади, уларни мустақилликка, ўз кучига ишонишга ўргатади. Шунингдек, ўйинда боланинг ирода ва характери шакллана боради. Бола ростгўйлик, тўғрилиқка ўрганади. Жамоа бўлиб ишлашга, ҳаракат қилишга одатланади. Шундай қилиб, дидактик ўйиннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий тарбиядаги тутган ўрни бениҳоядир.

Жисмоний тарбия кишилик жамияти тарихининг барча босқичларида маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб келган. Туркистон халқлари қадимдан жисмоний тарбияни маънавий ва жисмоний баркамоллик мезони сифатида қадрлаганлар. Бу масалага Ота Маконимизда Иккинчи Ренессанс (Уйғониш) замонида (XIV – XV асрлар) бугун бошланган Учинчи Ренессанс давридагидек алоҳида эътибор қаратилган. Болаларни ҳарб илмига ўргатиш учун ҳам махсус устозлар ёлланган. Шаҳзодалар аввал от миниб, сўнгра найза отиб санъатини ўрганганлар. Бунинг учун дарахт шохига халқа осиб қўйиб, ундан найза отиб ўтказилган. От устида чавгон, яъни чим устида хоккей ўйинига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, қиличбозлик, пойга, кўпкари сингари ўйинлар ҳам ҳарб илми доирасига кирган. Шаҳзодалар 12 ёшгача бу илмларни ўрганиб бўлишлари лозим эди...

Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. XX аср ибтидосида юртни озод қўриш орзусида бўлган жадидлар улуғ вакили Абдулла Авлоний шундай ёзганди: «Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидурки, ҳар бир вақт кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур...».

«...Албатта, бу ҳаёти – дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир», дея буюрилганидек, ўйин ўйнамоқ ва умрни беҳудага ўтказмоқдан иборатдир. Инсон

¹² Тошпўлатова Ш. Ўйин технологияси хусусида. // Мактабгача таълим. 2005. № 4. – Б.15.

вояга етиб, ақл фаросатли бўлгач, вақтини ўйинга сарфламайди ёки баъзан ўйнаса ҳам, буни яширишга тиришади».

«Ҳаракатли ўйинларда ҳаракатнинг барча турлари кўзга яққол ташланади. Булар юриш, югуриш, сакраш, улоқтириш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, қаршилиқ кўрсатиш ва бошқалар. Тўғри ўтказилган ўйинлар интизомни, сезгирликни, чаққонликни, тезкор кучни, чидамликни ривожлантиришга, ўйинларни жамоа бўлиб ўйнаш эса дўстлик ва ўртоқликни тарбиялашга ёрдам беради». Шунинг учун ҳам, «Қалъа ҳимояси», «Жойни ўзгартириш», «Тош кўтариш», «Илонизи бўйлаб юриш», «Қопқон», «Ким мерган», «Оқ теракми, кўк терак?...», «Тўп ташлаш», «Нишонга аниқ ур», «Тўсиқлардан ошиб ўтиш эстафетаси», «Тўп ўртадаги ўйинчига», «Буюм кўтариб югуриш эстафетаси», «Аҳил учлик», «Чамбаракни ушла», «Туннел», «Арғамчини оёқ остидан олиб ўт», «Йўллардан сакраб ўтиш», «Ким кучли?» каби ҳаракатли ўйинлари режа асосида бажарилмоқда. Ҳозирда унутилиб кетган 300га яқин миллий спорт турлари, ўйинлар ўрганиб чиқилди. Уларнинг анча қисми бўйича ўйин қоидалари ва мусобақалар ўтказиш низомлари тайёрланди.

Ўзбек оналари болаларини бешикка солганда ҳам, бешиқдан ечиб олишда ҳам, доимо олқишдан толмаганлар. Бу фикримиз исботини аёллар томонидан айтилган алла, эркалама, овутмачоқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. «Эркаламалар болалар фольклорининг мустақил жанри сифатида ғоят кенг тарқалган ва қадимийдир». «1 – 2 ёшли болалар билан ўйналадиган ўйин турларига: «Бармоққа бармоқ», «Ғоз-ғоз», «Ғоз турсин», «Бўп-бўп», «Той-той», «Поезд», «Ачом-ачом» бўлиб бу ўйинлар, гўдак энди бир-икки қадам ташлашни ўрганаётган вақтда гавдасини тўғри тутишга ёрдам берадиган ўйинлар ҳисобланади. Боланинг тили чиқиб, 5 – 10 та сўзни айта бошлаган даврда, юзини икки қўли билан тўсиб, ажи-ажи дея бошлайди».

«Ажи-ажи – Болаларни шундай сўз айтиб ўйнайдиган ўйини» ҳақидаги маълумотни «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам кўришимиз мумкин.

Таниқли олим М. Қуронов ўзининг «Миллий тарбия» монографиясида «ўйнамоқ» сўзини шундай тавсифлайди: «Ўйнамоқ бола билан унда ижобий сифатларни ривожлантириш, салбий сифатларни йўқотиш мақсадига йўналтирилган маълум қоида ва усуллар билан ижро этиладиган ўйинларни бирга ўйнаш». Ўйинчоқнинг болаларга қанчалик таъсир кўрсатиши ва болаларнинг ўйинга бўлган муносабати катталарнинг уларга қанчалик тарбия бера олишига ва жамиятда тарбия топишига боғлиқ. Болаларни ҳар томонлама камол топтириш учун ўйинчоқларни уларнинг фаолиятига, руҳий ва жисмоний ривожланишига, қобилияти, кўникмаларининг шаклланишига мос келадиган қилиб танлаш лозим.

«Театр, аслида кўғирчоқ ўйинидан бошланган. Станиславскийнинг улуғлиги шундаки, у инсоннинг режиссёр бўлиб туғилишини биринчи айтган. Бола гўдаклик чоғидаёқ кўғирчоқ ўйнайди – «режиссёрлик қилади».

Баркамол инсонни тарбиялаш умр баҳори аталмиш кичик ёшдан бошланади. Боланинг танаси ҳам, боши ҳам кичикликда тез ривожланиб катталашади. Тез

ўсаётган тана учун ўсиш тезлигига мос келадиган миқдор ва мазмунда ақлий, жисмоний ҳаракат таъминланмоғи даркор.

«Болалар ҳаётининг кўпгина тадқиқотчилари камолотнинг бу муҳим даврида (5 – 6 ёш) ўз қадрини ошириш ва шахсини севиш, яъни уларда болалик эгаизми кўпроқ мавжуд бўлишини таъкидлайдилар».

Одатда, жамоа бўлиб ташкил этилган ўйинларда, унинг барча аъзолари ўртасида ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Демак, ўзбек халқ ўйинлари ёрдамида, юқорида номи қайд этилган иллатларга қарши кураша олишимиз мумкин экан. Бу эса болаларни ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ҳамда ўзининг мустақил фикрига эга бўлишга ўргатади.

Миллий болалар ўйинлари ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом ўсиши учун хизмат қилади ва натижада келажак авлод учун замин ҳозирланади. Болалар ўйинлари умумийлик билан бирга локал ўзига хосликка ҳам эга. Шу сабабдан ҳам, ўйинларнинг тарихий илдизларини ўрганиш, халқимиз ўтмиши, турмуш тарзини холис, илмий таҳлил қилишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Қуроноф М. Миллий тарбия. Республика маънавият ва марифат кенгаши. Миллий Ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.: Маънавият, 2007. – Б. 117.
2. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 7, 10.
3. Даминаова М., Адамбекова Т. Ўйин машғулоти. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 24.
4. Игры народов СССР /Сост. Былеева Л. В, Григорьев В. М. – М.: Физкультура и спорт, 1985. – С. 7.
5. Ўзбек педагогикаси анталогияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1999, 2-жилд. – Б. 45.
6. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур: Фалсафий -маърифий асар. – Т.: Меҳнат, 2001. – Б. 102.
7. Насриддинов Ф. Камолот ва маънавият сабоқлари. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 1998. – Б. 208.
8. Сафаров О. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ кўшиқлари. – Т.: «Фан», 1983. – Б. 50.
9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. Т. 12. – Б. 364.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 1. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006, – Б. 44.
11. Саломатлик: оммабоп медицина энциклопедияси. – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. 1985. – Б. 494.
12. Назаров Қ. Н. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. – Т.: «Маънавият», 1998, -Б. 67.
13. Баҳодир Йўлдошев «Санъат фалсафаси» рукни «Дунё шунчалар гўзал...». // «Тафаккур» 1995, 1- сон, – Б. 62.



14. Тошпўлатова Ш. Ўйин технологияси хусусида. // Мактабгача таълим. 2005. № 4. – Б.15.
15. Маҳкамжонов К., Хўжаев Ф. Жисмоний тарбия: 4- синф ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», НМИУ, 2007. – Б. 120.
16. Исҳоқов Б. Р. Миллий тарбия сарчашмалари. // Болалар дунёси. 2005. № 20 – Б. 3.